

## Аллоҳнинг бандаларига бўлган раҳмати қаерда?



16:00 / 09.03.2018 4524

Шу кунларда кўп инсонлар Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бандаларига бўлган раҳмати кўриниши ва насибаси ҳақида сўрашади. Уларнинг бу суриштиришларидан танқид (норозилик) ҳиди келаётгандек. Ёки биз кўп марта эшитган ва ўқиган илоҳий раҳмат кўринишини учратмай (ҳис этмай) бу қиш ҳам ўтаётганини кўриб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони беҳад чексиз раҳматга эга сифат билан тасвирлашдан ажабланиш (иккиланиш) маънолари сезилаётгандек бўлади.

Мен ўша сўраб-суриштирувчиларнинг сўроқ саволларидан ҳайратга тушаман, улар Аллоҳ ҳар йили ўргатиб қўйган ёмғирлар мисолидаги бандаларига ёғдирадиган Аллоҳнинг раҳмати ҳақида сўраб муҳокама қиладилар. Кейин инсонлар бир-бирларига бўлган меҳрибончиликлари

ҳақида бирор нарса дейишмайди.

Бир муҳит ёки шароитда яшаб туриб, улар ўнгу сўллари ва олдиларига ёки орқаларига бурилиб қарасалар, меҳрибонлик маъносини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборган одамлар жамоасини кўрар эдилар. Фақатгина Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло раҳим қилган озчилик одамлардагина меҳрибонлик муносабатини учратардилар.

Аллоҳ уларни ўргатиб қўйган ёмғирлар кўринишидаги Аллоҳ азза ва жалланинг раҳматини нима учун тўхтаб қолганини суриштирадилар-у, лекин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтган Аллоҳнинг бандаларига бўлган раҳмати ва инсонлардаги меҳрибонликларига боғлиқ раҳмат тўғрисида суриштирамайдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтади:

**«Раҳм қилмаган кишига раҳм қилинмас».**

Мана шу ҳолат уларни таажжубланишларига, сўроқ-савол қилишларига, балки инкор қилишларига ундайди.

Агар мусулмонлар умумий кўринишларида ҳамдард ва меҳрибон бўлганларида эди, иш эсанкираш ёки таажжубланишга бормас эди.

Лекин воқелик бу тасаввурнинг тескарисидир. Балки, ҳар биримиз кўриб турган умумий воқеликда қаерга қандай боқмайлик, одамлар ўзлари мусулмон бўлишларига қарамай, бир-бирларига нисбатан салбий муносабатда бўладилар. Меҳрибонлик кўринишлари фақат у ер-бу ердаги тирқишларда жуда оз қолганини кўрасиз.

Бойлик жуда кўп, лекин бу бойлик эгалари ўзлари ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг насиҳатлари ўртасидаги тўғрилиқни четга суриб қўйдилар.

Улар меҳрибон ва ҳамдард бўлишга ҳамда бойликларини Аллоҳ азза ва жалла таклиф этган меҳрибонлик йўлида унга шукр ва ҳамд айтиш учун ишлатишларига буюрилган эдилар.

Аксинча, бу ўринда чексиз ҳашамат ва ўз соҳибининг Аллоҳ таолога бўлган итоатли бандалик чегарасидан хатарли туғён даражасига чиқарадиган манманлик пайдо бўлди.

Бу жойда Аллоҳ азза ва жалла берган неъматга бир қанча одамларнинг маст бўлаётган воқелиги кўринади. Улар Аллоҳ азза ва жалла ишониб

топширган ушбу неъматлардан кибр, туғён ва манманлик даражасида фойдаланадилар. Биз бунга жуда кўп мисоллар келтириб, анчадан бери уни тавсифлаб, эслатиб келяпмиз. Таажжубланиш нимаси, ваҳоланки, Расулulloҳ: «**Раҳм қилмаган кишига Раҳм қилинмас**», деган сўзларида Аллоҳ бандаларининг ишида қандай йўл тутишини эслатиб қўйган.

Шундай тарбия кўринишларидан кейин Аллоҳ азза ва жалланинг бандаларига ўз раҳматини тўла намоёиш этишига нима учун ажабланиш керак? Одоб ва тарбия қамчисини улар олдида силкитиб туришидан нимага ҳайрон бўлиш керак?

Мана шу оламлар Роббисининг бандалари ишида кўрсатиб берган йўлидир. Шу билан бирга, Аллоҳ азза ва жалла доимо Раҳмон ва Раҳимдир. У доимо ўз бандаларига саховатли ва мурувватли зотдир.

Бандаларини уйғотиб тарбия бериш учун ҳамда адашганларидан кейин тўғри йўлга чақириб олиш учун улардан гоҳида ёрдамни тўхтатиб туради.

Аллоҳнинг раҳмати ва ундаги насибасини суриштираётган кишига ҳайрон бўлман. Қандай қилиб еру осмон орасида тўлиб тошган Аллоҳнинг раҳматини кўрмайди?

Ўз жисминг ва офиятингдаги Аллоҳ азза ва жалла берган раҳматни кўрмайсанми?

Сенинг оёғинг тагига ерни текис тўшаб қўйган ва ҳар лаҳзада ҳаётинг янгилашиб туриши учун келиб кетиб турувчи шабадаларни бўйсундириб қўйган Аллоҳ азза ва жалланинг раҳматини кўрмайсанми?

Атрофингдаги бу дунёнинг борлиқларини ва сенга бўйсундириб қўйган нарсаларидаги Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг раҳмат кўринишларини кўрмайсанми?

Сени ерга юттириб юбормаган ва ерни тўхтовсиз зилзила бўлишига амр қилмаган ҳамда атрофингдаги дунёни ҳалок қилувчи микроб бактериялар билан тўлдириб ташламаган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг сенга берган раҳмат кўринишига қарамайсанми?

Аллоҳ хоҳласа, сени шу нарсалар билан ҳалок қилиши мумкин эди.

Сени уйғотиш учун ва Аллоҳ азза ва жалланинг буйруқларига қарашинг учун олдинда тарбия қамчисини силкитиб туришни хоҳласа-ю, сен афсусланиб Аллоҳ таоло раҳматининг насибасини суриштирасанми?!

Ҳой одамлар! Агар биз ўз ҳолимизга қайтсак, нафсимизнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида мисол қилиб келтирган мўминлик сифатидан жуда узоқлашиб кетганини кўрамиз.

Пайғамбаримиз айтади:

**«Мўминлар бир тана мисолидир-ки, унинг бирор аъзоси шикастланса, бошқа аъзолари ҳам шиддату бедорликда у билан бирга бўлади».**

Ушбу сўзга назар солиб кейин яна мусулмонларни воқеликларига қайтиб кўрсанг, уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларига зид юрганларини топасан. Чунки улар ушбу сўздан оддийгина ўнгу сўлга бурилиб кетдилар. Йўқ, балки улар Аллоҳ азза ва жалла буюрган нарсага тескари юрганларини кўрасан.

Турли тантаналарда ёзиладиган зиёфат базмларни кўринглар. Бу неъматларни натижасига қараб ўйлаб кўринглар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг неъматлари тановулига киришаётганларга қаранглар. Агар Аллоҳ азза ва жалла хоҳласа, бу неъматлардан уларни бир зумда маҳрум қилиб қўяди.

Уларга қаранг – яъни уларнинг кўпчилигига – Аллоҳнинг неъматлари билан муомала қилишда манманлик, жирканиш ва туғён кўринишларини учратасиз.

Кеча айтган эдим, яна эслатиб ўтаман: ўша кўпчилик одамлар таомга қандай муносабатда бўлмоқда? Олдидаги табоқларга турли емишлар қўйилади. Улар еб турганларидан кейин ҳам у дастурхонда бу шаҳардаги тўлиб-тошган очиққан кишиларнинг қорни тўядиган даражадаги таомлар ортиб қолади. Кейин ушбу ортиб қолган таомлар устига пўчоқ ва қоғозлар (ишлатилган салфеткалар)ни солинади ва сизлар билганингиздек, очиққанлар ҳам ейишга жирканадиган кайфиятда ахлат қутисига ташланади.

У одамлар бу ишни ўзларига қоида қилиб олганлар. Бу ишлари билан ўзларининг дабдаба ва такаббурликларини кўрсатишга уринадилар.

Бу ҳолатни кўрмаяпсизларми, эй биродарлар?

Балки тантаналар ва кечалари уйда ўтказиладиган тўлиб-тошган зиёфат дастурхонлари, ресторан ва кафе ҳамда ошхоналарда бўлаётган

Йиғинлардаги ҳолатни тасаввур қилиб кўрмайсизларми?

Буни бошлаб берувчилари кимлар? Уни бошлаб берувчилари ёки уларнинг кўплари мусулмонлардир.

Бу ишни бошловчилар ўзларини ислом билан безаб кўрсатадилар. Тантаналарни бундай кўринишда ўтказишларининг сабаби улар ўзларини Аллоҳ таоло эҳтиром қилган бойлармиз деб тасаввур қиладилар. Хўп, Аллоҳ уларга эҳтиром қилган бўлса, нима учун улар бир-бирларининг олдида Аллоҳ бергани билан фахрланмайди, мақтанмайдилар? Нима учун буни аҳамиятли деб ҳисобламайдилар? Нима учун ўзларидан ортган неъматларни четга суриб оёқлари билан тепиб ташламайдилар?

Бу сизлар билган кўринишдир. Бу одамларда бўлиб ўтаётган воқеликдир. Яна қайтариб айтаман: аксар одамларнинг амалдаги воқеликларидир...

**Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Ва сизлардан фақат зулм қилганларнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинг»** (Анфол,25).

Шундан кейин ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг тарбия қамчисини силкитиб туриши ажойиб ғайриоддий нарсами?

Лекин мен айтаман: агар Аллоҳ ўз ёрдамини тўхтатиб қўйса, бойлик маст қилган ўша кишилар қаерга боради? Тилла ва қоғозлари нима қила олади? Агар Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни дард билан бир луқма таом ёки бир хўплам сув ичишдан тўсиб қўйса, уларнинг хазина ва сандиқлари нима фойда бера олади? У ер-бу ердаги банкларга топширган пул чеклари нимага ярайди?

Агар Аллоҳ ерга амр қилиб, ундаги ўсимликларни қуритиб қўйса, ҳозирда қимматбоҳо қоғоз деб аталаётган бойликлар менга нима фойда беради? Аллоҳ осмонга амр этиб, мендан ўз ёрдамини тўхтатса, чорва молларининг сутлари қуриса, олтинни нима қиламан? Бойликни нима қиламан? Бир хўплам сувни қаердан топаман? Бир луқма таомни қаердан излайман?

Ким бирор кун Аллоҳнинг ушбу сўзи олдида тўхталиб, уни ўйлаб мулоҳаза қилган?

**«Сен: «Айтинглар-чи, агар сувларингиз ерга сингиб кетса, сизларга ким осонгина топиладиган сувни келтиради?» деб айт»** (Мулк, 30).

Аллоҳнинг неъматлари билан эҳтиромга эга бўлган инсон бандалик либосини кийиши ҳамда Аллоҳни уйларини доимо маҳкам тутиб Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ҳижолатдан уялиб қалби эзилиб кетиши унинг учун энг муносиб ишдир. Ҳа шундай.

Биз Аллоҳнинг раҳматини суриштирамиз. Биз бугунги кечага кириб келамиз, лекин билмаймизки, оқибат-натижаси нима бўлади?

Унинг натижаси Аллоҳ билан янгитдан ярашиб, унга ҳамд айтган ҳолимизда уйғонсак, кейин Аллоҳ осмонга амр қилиб ўз ёмғирини ёғдириб биздан ғамни кеткизадими? Ёки ёвузликда ҳаддан ошиб ёмонларга қўшилиб оёқ ости қиламизми? Ёки ажойиб бир ғалати номаълум йўналишдаги одамдек тураверамизми?

Агар мусулмонлар орасида озчилик тавба қилиб Аллоҳдан ўтиниб сўрасалар эди. Лекин кўпчиликнинг воқелиги нима бўлмоқда.

Кошки одамлар уйғонсалар, кошки ўша одамлар тавба қилсалар эди.

Шу билан бирга мен огоҳлантирган вақтимда кўпинча сизлардан айрим кишилар, унинг ўрнини босувчи нарсалар тўғрисида сўрайди. Ўрнини босувчи нарсалар нима? Ўрнини босувчи нарсалар масжидларимизни бошқа тантаналар билан тўлдирамиз деб айтадиганлардан эмасман. Мен бу иш бидъатдир деб айтадиган кишиларданман. Биз бидъатдан огоҳлантирувчи кишилармиз.

Барчамиз ўз уйида ўтириб яратгувчи Роббисига истиффор айтиши ҳамда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ялиниб-ёлбориши кифоя қилади. Аллоҳдан адолатсизлик қилувчиларга, яхшию-ёмонларга ва барча бандаларига раҳм қилишини сўрашимиз ҳамда бехосдан келувчи ҳалокатли йўналишдан узоқ бўлишимиз етарли. Ҳамма мусулмонлар яшагани каби, ҳар бир одам ўз аҳли аёли, болалари ва дўстлари билан ўз уйида яшаса, мана шу Аллоҳ таоло буюрган ишдир...

Мусулмонлар бу ўйин-кулгилардан ва ҳалокатга олиб борувчи ахлоқсизликлардан узоқ бўлиб, Аллоҳ азза ва жалланинг йўлида юришга фақатгина илгари мусулмонлар учратмаган кўринишларни қабул қиладиган нарсани қилганида куч топа оладиларми? Йўқ, ундай эмас, унинг ҳеч ҳожати йўқ.

Бўлаётган ишлар мусулмон жамоаларда бўлмоқда. Мусулмонлар жамоаси деганимда ҳар ишнинг бошида турган беками кўст яшовчи бойлар биринчи

Ўринда шу ишни қилаётганини билдирмоқчи эдим. Кошки мен уларни масжидларда ва илм дарсларида учратсам. Бир куни ундайларга: «Кошки мен сизларни илмий дарсларимда ҳафтада бир соат кўриб турсам эди», деганимда, улар ўзларида жирканишни ҳис этиб, шовқин сола бошладилар, жунбишга келиб, ҳаяжонга тушдилар.

Бизнинг ишларимиз шу даражага бориб етгани жуда ажабланарли: йўлда Аллоҳдан узоқлашиб таназзулга юз тутдик. Ҳаётда юз берадиган мушкулликлар қоронғулигида дунёнинг ўйинлари ботқоғига пастлаб шўнғидик.

Кейин биз гўзал эслатмалар билан насихат қилувчиларни ҳам қийнаб, уларни танг аҳволга солдик.

Мана шу бизнинг воқелигимиз.

Ҳа шундай.

Мен бир неча йилдан буён ўша бойларга қилаётган ишларини эслатганимда, ҳаяжонланиб шовқин қилдилар.

Улардан бирортаси ушбу кечада толиби илмга айланиб илм ўрганиш учун мурожаат қилиб китобини олса, бир-икки соат фикҳ, ақоид, тафсир ёки ҳадис илмини ўрганиш учун вақт ажратса, эртаси куни ўз жойидаги тижорат ёки хизмат ишига борса эди. Шунда Аллоҳнинг раҳмати узилмас эди. Ана шунда барака орқага кетмас эди.

Лекин иш сизлар билиб турган ушбу ҳолга етиб, дунёимизнинг маҳбусига айландик. Биз билан Аллоҳ ўртасидаги алоқа йўлларини узиб ташладик. Натижада ишлар мана шу аҳволга етиб келди. Шунга қарамай, Аллоҳ бизнинг қилмишимиздек муомалани бизларга қилмайди. Аллоҳ мўминларга раҳмлидир. Аллоҳ биров сўрамаса ҳам, нарсаларни кўплаб ато қилувчи зотдир. Аллоҳ кечиримлидир.

Аллоҳ азза ва жалла мана шу тарзда бизларга ҳақиқатларни эслатиб туришни хоҳлайди.

Ушбу сўзимни айтиб Аллоҳдан мағфират сўрайман.

***Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий*** хутбаси.

*31 декабрь 1993 йил.*

*Абдуллоҳ Фуломов таржимаси.*